



БИЛВОСИТА НУТҚИЙ АКТЛАРНИ ТАЛҚИН ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ЭТНОПРАГМАТИК ОМИЛЛАР)

Шамахмудова Азиза,
СамДЧТИ (PhD) докторанти

Калим сўзлар: нутқий акт, имплицит, эксплицит, бирламчи иллокутив акт, иккиламчи иллокутив акт, адресат, интенция, перформатив феъл.

Кундалик мулоқот нутқимизда айрим ҳолларда билвосита нутқий фаолиятдан фойдаланишга тўғри келади: сўзловчи аниқ бир мақсадда билвосита нутқий тузилмани танлаб олади ёки ўз фикрини билвосита йўл билан баён этади.

Илк марта файласуф ва мантиқшунос олим Ж. Остин томонидан нутқий актлар назарияси назарий прагматиканинг марказий муаммоларидан бири сифатида талқин қилинган. Унинг фикрича лисоний бирлик нафақат мантиқ ва лисон нуқтаи назаридан рост ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ж Серль нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қарашни таклиф этади. Бу босқичларда уч хил ҳаракат амалга оширилади: локутив, иллокутив ва перлокутив. Билвосита нутқий актлар тўғридан-тўғри иллокутив актлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ж. Серль билвосита нутқий актлар қандай қилиб сўзловчи айни бир нутқий тузилма воситасида, нафақат ундан келиб чиқадиган маънони, балки шунингдек бошқа бир мазмунни ифодалаши мумкин, [Падучева 1985: 63] деган муаммони ёритиб беришга ҳаракат қилган. Бир иллокутив акт бошқа бир иллокутив актни ифодалаш орқали амалга оширилади. Нутқий бирликларнинг структуравий тузилиши ва ифодалайдиган маъносига нисбатан фарқи билвосита нутқий актлар гуруҳини ажратиш имконини беради. Ўзаро мулоқот жараёнида грамматик ва фонетик жиҳатдан шакллантирилган қандайдир нутқий ҳаракат амалга оширилади. Сўзловчи тингловчига аниқ бир иллокутив таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Масалан, китоб дўконига кирган харидор тепадаги жавонда турган китобни кўриб чиқмоқчи. У бу хоҳишини икки хил йўл билан амалга ошириши мумкин.

1: *Traeme este libro, por favor.*

2: *¿Eres capaz de alcanzar el libro que está encima del estante?*

Биринчи мисолда *traeme* перформатив феъли илтимос маъносини билдиради. Иккинчи нутқий тузилма эса сўроқ лисоний бирлиги сифатида шакллантирилган бўлса-да, сўзловчи тингловчидан “ха” ёки “йўқ” жавобини кутмаяпти, балки тингловчига мурожаатида сўроқ орқали илтимосини баён этипти. Перформатив эксплицит ифодаланмаган, аммо иллокутив мақсад имплицит, яъни билвосита воқелантирилган. Нутқий тузилмада адресантнинг мулоқот мақсади иллокутив ҳаракат воситасида билвосита нутқий акт сифатида воқелантирилган.

Билвосита нутқий актларнинг таркиби икки иллокутив актдан иборат бўлади. Ж. Серль ва унинг издошлари уларни бирламчи ва иккиламчи иллокутив фаолият деб атаганлар. Бирламчи иллокутив акт нутқий тузилманинг ҳақиқий ниятини ифодалайди. Иккиламчи нутқий акт эса шаклий тузилишидан келиб чиққан иллокутив актни воқелантиради. Иккинчи мисолда *китобни олиб бериш* илтимоси бирламчи иллокутив акт, савол эса иккиламчи иллокутив акт ҳисобланади. Тингловчи ижобий ва салбий жавоб беришига қараб бирламчи ёки иккиламчи иллокутив актни танлаб олиши мумкин. Бу бевосита инкор вазиятида ноқулай вазиятнинг олдини олишга хизмат қилади ёки адресатга талаб қилинган ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини беради. Масалан, Шимолий Америкадан Испанияга самолётда учаётган эр-хотиннинг суҳбатини олайлик:



- *Tu sabes, Susana, que yo no puedo dormir en un avión. No sé qué voy a hacer.*

- *Pues, si no puedes dormir, puedes leer el periódico. Pero yo voy a tratar de dormir*

[Wasserman 2009: 16].

Ушбу нутқий тузилмада Хавиер самолётда ухлай олмаслиги ҳақида хабар бериши шунчаки ахборот бериш мақсадида эмас, балки аёлини у билан суҳбатлашиб ўтиришга таклиф қилиш нияти билан боғланган. Аммо Сузана эрининг билвосита таклифини тушунган бўлса-да, унинг иккиламчи интенциясини асосий сифатида талқин этиш орқали рад жавобини беради. Билвосита нутқий актларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, сўзловчи талаб этилган ҳаракатни бажариш-бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилишни тингловчи зиммасига юклайди. Агар адресат ундан кутилган ҳаракатни амалга ошириш нияти бўлмаса, руслар айтганидек “строить из себя дурочку”, яъни ўзини тушунмаганга солиб, вазиятдан чиқа олиш имкониятига эга бўлади.

Ўз хоҳиш-истагини билвосита ифодалаш жараёнида сўзловчининг билвосита нутқий актни лисоний жиҳатдан тўғри шакллантириши муҳим роль ўйнайди. Билвосита нутқий актлар конвенционал ва ноконвенционал гуруҳларга бўлинади [Формановская 2007 :22].

Конвенционал нутқий актлар деб сўзловчи томондан шубҳасиз бир бутун семантик-грамматик бирлик сифатида қабул қилинадиган лисоний бирликларга айтилади. Масалан, савол шаклидаги илтимослар:

¿Puedes alcanzarme la sal?

¿Podrías estar un poco más callado?

¿Tú podrías estar un poco mas callado?

¿Tienes cambio de veinte duros?

[Серль 1986: 48]

Конвенционал нутқий актлар бир томондан фразеологизмларга ўхшаб кетади, аммо фразеологизмлар уларга бириктирилган аниқ маънога эга. Билвосита нутқий актлар эса бундан

мустасно, яъни мулоқот воқеланган вазиятга қараб турлича маъноларда акс этган бўлиши мумкин. Масалан, “*Хорманг*” нутқий тузилмасига “*Бор бўлинг*” деб жавоб қайтарилади. Аммо “*¿Puedes traducir este texto?* “Ушбу матнни таржима қила оласанми?” каби адресатнинг ҳаракатни бажара олиш имконияти билан боғланган нутқий тузилмаларга “*Ҳа, мен испан тилини яхши биламан*” деб жавоб бериш мумкин бўлади. Бу ҳолда тингловчи илтимос сифатида савол шаклидаги лисоний бирликларни қўллашдан сақланиши лозим.

Нутқий мулоқотда ушбу лисоний бирликларнинг билвосита иллокутив вазифаси – илтимоснинг хушмуомала ифодаланишидир. Иккиламчи иллокутив акт- савол, бирламчи иллокутив акт эса- илтимос.

Ўзбек тилида илтимос билвосита нутқий актларининг савол шаклида тузилиши кўп учрамаса-да, улардан маълум даражада фойдаланишимизни кузатишимиз мумкин. Уларда шарт ва конвенциаллик аломатлари намоён бўлади. “Илтимос” бирламчи иллокутив актлар ва “савол” иккиламчи иллокутив актлар орасида тизимли алоқа намоён бўлади.

Масалан:

1. Бўстонсарой кўчасига қандай боришни айта олмайсизми?
2. Эшикни ёпиб юборасизми?
3. Мабодо, ёнингизда ортиқча пулингиз йўқми? (-Оёқларнинг чигилини ёзмайсизми бир? (УУК - 11); - Азизлар, ташқари совук, биров бизни ишла деб мажбур қилмайди. Лекин бўйнимиздаги вазифамиз-да ... Бир уриниб кўрмаймизми? (РПК - 87); - Мехри, кинога чикмаймизми? (КНЕ - 28) –“)

Нутқий мулоқотда ушбу лисоний бирликларнинг билвосита иллокутив вазифаси – илтимоснинг хурмат тамойили асосида ифодаланишидир. Иккиламчи иллокутив акт - савол, бирламчи иллокутив акт эса- илтимос. Ушбу келтирилган мисолларнинг бевосита ифодаланиши куйидагича шакллантирилади:



1. Бўстонсарой кўчасига борадиган йўлни кўрсатинг.
2. Эшикни ёпинг.
3. Менга қарзга пул бериб туринг.

Конвенционал билвосита нутқий актларга тескари равишда ноконвенционал нутқий актлар мавжуд бўлиб, уларнинг интенциясини тил соҳиблари томонидан матндан айри ҳолда тушуниб бўлмайди [Naverkate 1994: 96].

Ноконвенционал билвосита нутқий актнинг икки иллокутив акти ўртасида тизимли муносабат мавжуд бўлмайди. Улар шарт ёки конвенция табиатига эга эмас. Сўзловчи ва тингловчининг бир-бирини тушуниши матн мазмуни ва уларнинг умумий фон билимларига боғлиқ. Билвосита нутқий актларда билвоситалик аспекти тушунтиришда нутқий мулоқот ҳамкорлигининг (Грайс томонидан тавсифланган қисми) умумий тамойиллари, сўзловчи ва тингловчининг умумий фон билимлари ҳамда тингловчининг тўғри хулоса чиқара олиш қобилияти зарурдир. Нутқий тузилманинг бирламчи иллокуцияси ҳақида тўғри ҳукм чиқариш учун кўйиладиган қадамлар кетма-кетлигини ихчам кўринишда тақдим этиш мумкин. “El Crimen de la Ñ” ҳикоясидан келтирилган Раул ва Франсеска ўртасида кечган суҳбат мисолида Ж.Серль (Серль 1986: 199) таклиф этган билвосита нутқий актларнинг интенциясини тўғри талқин этилишини босқичма-босқич таҳлил қилиб чиқсак:

-Mira... es que esta tarde no tengo que trabajar y... en fin... quería saber si te gustaría venir al cine conmigo.

- Mañana tengo el examen. Le prometí a mi madre que sacaría las mejores notas.

[Nieves 2006: 73]

1-қадам: Мен А га айни бир таклифни билдирдим ва у бунга жавобан унинг имтиҳонга тайёргарлик кўриши кераклиги тўғрисидаги жавобини билдирди (ушбу суҳбатга оид диалоглар).

2-қадам: Тахмин қиламанки, ушбу суҳбат доирасида А ўзаро фаолият релевантлиги қоидаларига амал қилган, шундай экан, унинг нутқий тузилмаси

мулоқотнинг ҳамкорлик тамойилига асосланган.

3-қадам: релевант жавоб қуйидагилардан бири бўлиши керак: таклифни қабул қилиш, таклифни рад этиш, бошқа таклиф билдириш, таклифни муҳокама қилиш ва ҳоказо (нутқий актлар назарияси).

4-қадам: Аммо Б ифодалаган нутқий тузилманинг луғавий мазмуни бу турларнинг ҳеч қайси бирига тўғри келмайди ва шунинг учун релевант жавоб ҳисобланмайди (1 ва 3 қадамга асосланган ҳукм).

5-қадам: Шундай қилиб, балки талаффуз қилинган нутқий тузилмада ўзга бир мақсад назарда тутилган. Унинг жавобининг релевантлигига ишонадиган бўлсак, унинг бирламчи иллокуцияси шаклий иллокуциясидан фарқ қилади (2-ва 4-қадамга асосланган ҳукм). Бу қадам ҳал қилувчи характерга эга. Агар тингловчи бирламчи иллокутив мақсад шаклий иллокутив мақсаддан фарқ қилиши асосида шаклланадиган хулосалар стратегиясига амал қилмаса, у билвосита иллокутив актларни тушуниш қобилиятига эга бўлмайди.

6-қадам: Биламанки, имтиҳонга тайёрланиш одатда анча вақтни талаб қилади ва кинога тушиш ҳам анча-бунча вақтни талаб этади. (далиллаштирувчи фон ахборот).

7-қадам: Шундай қилиб, кўриниб турибдики, у бир пайтнинг ўзида ҳам кинога бориш ҳам имтиҳонга тайёрланиш имкониятига эга эмас (6-қадамга асосланган ҳукм)

8-қадам: Маълум бир таклифнинг қабул қилинишини тайёрловчи шароитлар пропозиционал мазмунда акс этган ҳаракатни адресат бажара олиш имкониятига эга эканлигидан хабардор бўлишни тақозо этади.

9-қадам: Демак, мен шуни биламанки, у балким менинг таклифимни қабул қила олмаслиги тўғрисида ахборот берган бўлиши мумкин (1-,7- ва 8-қадамдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган хулоса).



10-қадам: Шундай қилиб, бирламчи иллокутив мақсад таклифни рад этишдан иборат (5 ва 9-қадамдан келиб чиққан хулоса). Раул буни тўғри фахмлади, чунки агар Франсеска кинога борса имтиҳонларга тайёрлана олмайди ва уларни муваффақиятли топшира олмайди. Имтиҳонларни топшира олмаса ўз юртига қайтишига тўғри келади, аммо Раул буни хоҳламайди. Шунинг учун учрашувни кейинги сафарга қолдиришни маъқул кўришади.

Жонли суҳбатда мулоқот интенцияси ҳақида тўғри хулоса чиқариш жараёни бунчалик мураккаб кечмайди. Суҳбатнинг самарали кечиши сўзловчи ва тингловчининг умумий фон билимларига боғлиқ бўлади. Билвосита нутқий актларнинг тўғри талқин этилиши кундалик мулоқотда, айниқса маданиятлараро мулоқотда муҳим ўрин эгаллайди. Ожегова луғатида келтирилишича: илтимос бу – адресантнинг хоҳиш, истагини рўёбга чиқариш йўлида бировга қаратилган мурожаат. Рад этиш – илтимос, талабга билдирилган салбий жавобдан иборатдир. Директив нутқий актларда кўпинча конвенционал билвосита нутқий актларга дуч келамиз. Испан ва ўзбек мулоқот матнининг намунавий шакли ўхшаш бўлишига қарамасдан, ҳар ҳолда маданиятлараро мулоқот шароитларда билвосита нутқий актлар ифодаланишининг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Коммуникатив мақсад – интенцияни ботиний, яширин ҳолда ёки билвосита ифода этиш барча миллатларга хосдир. Аммо билвосита нутқий актларнинг таснифий гуруҳларга ва уларни ифодаловчи лисоний шакллар қатори турли тилларда бир хил кўринишга эга бўлмайди. Мисол учун, француз тили соҳиблари мактов, таҳсин изҳор этиш учун бармоғининг учини ўпиб қўйса етарли. Испан ва инглизлар мазмунни билвосита ифодалашда кўп ҳолларда сўроқ шаклига мурожаат қиладилар. Ўзбеклар нутқида илтимосни ифодалашда савол шаклларида кам фойдаланилади. Турли

миллат вакилларининг сергаплик даражаси ҳам бир хил эмас, кўп гапиришдан турли мақсад кўзланиши мумкин, Марказий Осиё халқларига “Аҳволингиз қандай? Уй ичи, болаларингиз тинчми?” саволлари билан мурожаат этсангиз, “Худога шукур!” жавобини олишнинг ўзи етарли. Худди шу саволни англосаксонларга берсангиз, уларни ҳайрон қолдиришингиз ва умуман жавоб олмаслигингиз мумкин. Олмонлар эса батафсил жавобга тайёрлар, улардан ҳатто ўз организмлари қай аҳволда эканлигини сўрасангиз ҳам ажабланмайдилар. Японлар эса ҳар қандай саволга тўғридан-тўғри ва аниқ жавоб беришдан қочадилар [Сафаров 2008: 241]. Испан тил соҳиблари эса “¿Que tal?” сўроғига шунчаки “¿Que tal?” деб жавоб қайтардилар. Бир-бирини меҳмон қилишда ўзга маданият ошхонасининг маҳсулотлари суҳбатдошларга маъқул келмаслик ҳоллари тез-тез учраб туради. Биров буни очикчасига айтса, биров билвосита ифодалайди ва яна баъзилар ёқмаса-да буни билдирмасдан ўзини мажбурлаб тановул қилишга ҳаракат қиладилар. Бу нафақат миллат ва маданиятга, балки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ. Шахсий тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсам испаниялик мартабали меҳмонларга таржимонлик қилганимда улар билан нонушта қилишга тўғри келди ва улар эрталаб тановул қилган овқатларини татиб кўришни таклиф қилдилар, овқатнинг таъми ёқмаганлигини мен билвосита тарзда “Раҳмат, бундай овқатга ўрганмаганман” деб жавоб қайтаришим билан ифодаладим. Меҳмонларни нонуштага сузма истеъмол қилишимиз ҳайратга солди ва улар ҳам “Қандай қилиб эрталабдан сузма истеъмол қилиш мумкин?” деб билвосита нутқий актни савол тарзида ифодаладилар. Ушбу ҳолатда сўроқ иккиламчи иллокутив акт бўлса, инкор бирламчи иллокутив фаолият ҳисобланади. Яна бир мисол тарзида хитой ва рус миллати вакилларида бўлган шахслар ўртасидаги суҳбатни қараб чиқсак:

Рус тил соҳиб: Ты в супермаркете?



Хитой тил соҳиби: Да.

Рус тил соҳиби: Можешь купить жидкость для мытья посуды?

Хитой тил соҳиби: Мне не надо.

Рус тил соҳиби: Купи мне!

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу суҳбатда хитойлик сабабни далиллаштириб рус суҳбатдошининг илтимосини рад этган, лекин рус буни куйидагича фаҳмлаган: хитойлик идиш-товоқ ювиш кукунидан фойдаланмайди. Шундай қилиб, адресант фақатгина иккинчи иллокутив актни тушуна олган ва унинг жавоби ўзи истамаган ҳолда, хитойликка илтимос эмас, буйруқ сифатида таъсир этган. Бундай ҳолатда хитойликлар ноқулай вазиянинг олдини олиш ниятида буйруқ шаклидан фойдаланмайдилар. Бошқа сўз билан

айтганда, конвенционал нутқий акт суҳбатдошларнинг фон билимига ва тингловчининг тўғри хулоса чиқара олиш қобилиятига таянган бўлади. Ушбу суҳбатдаги билвосита инкорнинг ифодаланиши мулоқот самарадорлигини таъминловчи ҳамкорлик принциплари ва ҳурмат тамойилининг бузилишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, турли маданият вакилларининг юриш-туриши, овқатланиши, когнитив фаолияти билан биргаликда, уларнинг лисоний фаолияти ҳам, шу ўринда билвосита ифодаланишда танлаган нутқий тузилмаларининг структураси ҳам бир-биридан фарқ қилади ва ушбу номутаносибликларни тушуна олиш сўзловчидан мулоқотда лисоний қобилият ва маҳоратни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Лейчик В. М. Отношения между культурой и языком: общие функции / В. М. Лейчик // Вестник Московского университета. Сер. 19, Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2003. – № 2. – С. 17–30.
2. Падучева, Е. В. Высказывание и его соотносённость с действительностью / Е. В. Падучева. – М.: Наука, 1985. – 272 с.
3. Серль, Дж. Р. Косвенные речевые акты / Дж. Р. Серль // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 195–222.
4. Сафаров Ш.Ш. Прагмалингвистика. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б. 134-137.
5. Формановская Н. И. Коммуникативные, социальные и психологические роли языковой личности / Н. И. Формановская // Журналистика и культура русской речи. – 2007. – № 1. – С. 16–29.
6. Haverkate H. La cortesía verbal. Estudio pragmalínguístico, Madrid: Gredos, 1994. – P.96.
7. Nieves A.B. El crimen de la Ñ. – Madrid: Grupo Anaya, 2006. – P. 143.
8. Wasserman M. Susana y Javier en España. – New York: Wagner Collage, 2009. – P. 194.

Шамахмудова А. Принципы интерпретации косвенных речевых актов (этнопрагматические факторы). В статье рассматривается проблема интерпретации косвенных речевых актов в межкультурной коммуникации. Особое внимание уделяется анализу конвенциональных и неконвенциональных косвенных речевых актов в дискурсе.

Shamaxmudova A. Principles of indirect speech acts interpretation. This article deals with a problem of indirect speech acts interpretation in intercultural communication. Special attention is given to analyze conventional and non-conventional indirect speech acts in discourse (ethnopragmatic factors).